



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Исмадиёров Абдуғаффор Абдужабборович

ИИБ Академияси ўқитувчиси, капитан

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10588668>

ARTICLE INFO

Received: 22th January 2024

Accepted: 29th January 2024

Online: 30th January 2024

KEY WORDS

Ички ишлар органлари,
тарбиявий ишлар, тарғибот-
ташвиқот ишлари, психологик
фаолият.

ABSTRACT

*Ушбу мақолада ички ишлар органларида маънавий-
маърифий ишларни амалга ошириш йўналишлари
ҳақида олимлар фикр мулоҳазалари ўрганилиб,
муаллиф томонидан таклиф ва тавсиялар ишлаб
чиқилган.*

«Маънавият – инсонинг ижтимоий – маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилик, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир». М.Имомназаров дастлаб «Маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур...», -деб ёзган бўлса, кейинчалик «Маънавият – инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир, дейилган таъриф дарҳақиқат, сўфиёна рамзий таърифдир, зотан бошқача таъриф бу чексиз моҳиятни чеклаб қўяди», -деб ёзади. Т. Маҳмудов «...Маънавият – инсонинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва руҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир», -деган таърифни беради¹

Бугунги кунда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ички ишлар органлари фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотларга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Юртимизда маънавий-маърифий муҳитни

¹ Камолов Б.И. Шахсий таркиб ўртасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. С3. – С. 189-194.



янада яхшилаш, асрлар давомида сайқалланиб келаётган анъана ва қадриятларимизни тарғиб этиш борасида қўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда².

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарорининг 3-илоvasи билан тасдиқланган “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш” концепциясида ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- тарбиявий ишлар;
- тарғибот-ташвиқот ишлари;
- психологик фаолият;
- ижтимоий-ҳуқуқий фаолият;
- маданий тадбирлар.

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар қуйидаги йўналишларда олиб борилишини ўрганишдан аввал ушбу йўналишларни маъно мазмунини ёритиш зарур.

Жумоаладан, А.Б.Собировнинг фикрича, **тарбиявий ишларни** ташкил этишда қуйидаги услубий тавсияларга амал қилиниши лозим: 1. Тарбиявий ишларнинг аниқ вазифаларини чуқур англаш - унинг самарадорлигини оширишнинг зарур шартидир. Мазкур вазифалар маҳорат билан талқин этилган ва тарбияланувчиларга етказилган бўлиши керак. Тарбиявий иш ташкилотчилари тарбияланувчиларга ўз нуктаи назарларини мажбуран ўтказмасликлари керак: тарбияланувчиларни зарур қарорлари қабул қилишга, гўё ўз қарорлари сифатида қабул қилинадигандек ишонтириш зарур. 2. Ҳар қандай тарбиявий иш ишчан ва мажмуавий йўналиш асосида лойиҳалаштирилади. Биринчи йўналиш, юқорида таъкидланганимиздек тарбияланувчиларнинг жонли, ижодий, қизиқувчан фаолиятини талаб этади ва зарурат туғилганда, тиришқоқликни, ҳаракатчан ишларни танлашга йўналтиради. Иккинчиси эса, тарбиячига бир вазифадан ҳар томонлама самара олишга имкон беради. 3. Тарбиявий ишлар жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган барча вазифалар турли аҳамиятга эга бўлишига интилиш шарт эмас, чунки тарбия тизимини бирданига бир неча мезонлар орқали оптималлаштириб (муқобиллаштириб) бўлмайди. Тарбиявий ишда ҳар қандай ишдаги каби бош вазифа ажратиб олинадиган ва шу орқали қолган вазифалар ҳал этилади³.

Тарғибот-ташвиқотни ташкил этишда қуйидаги ташкилий тамойилларга амал қилиш мақсадга⁴ мувофиқ:

1. Узлуксизлик (маънавий бағрикенглик тамойилини ходимларга сингдириб боришни доимийлигини таъминлаш).

2. Кенг қамровлилик (жамиятда ёш ходимларнинг барча тоифаларини маънавий бағрикенглик маданиятини тарбиялаш, маънавий таҳдидларга қарши ғоявий иммунитет билан қуроллантириш).

² Сафаров С. Тингловчи ва курсантлар ўртасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар такомиллашмоқда //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 209-213.

³ Собиров А.Б. Умумтаълим мактабларида тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш имкониятлари //Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 196-200.

⁴ Арипов А. А. Маънавий-маърифий тарғибот ва ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишда технология ва инновацион чора-тадбирларнинг ўрни ва аҳамияти //Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali. – 2022. – №. 1. – С. 103-110.



3. Босқичма-босқичлик (ходимларни маънавий тарбиялашда таълимнинг барча босқичларида чора-тадбирларни ташкил этиш, таълимдан ташқари фаолиятда ҳам кетма-кет ташкилий ишларни олиб бориш).

4. фаоллик (ходимларни маънавий тарбиясига жамиятни барча аъзоларини, ижтимоий институтларини фаоллигини таъминлаш, интерактив жараёнларни ташкил этиш). 5. Илғор тарғибот-ташвиқот (маънавий тарбияда тарғибот-ташвиқот ишларида ходимлар ўртасида энг илғор услублар ва технологияларидан фойдаланиш).

6. Меъёрийлик (ходимлар ўртасида маънавий тарбия ишларида баландпарвозлик, расмийчилик ва буйруқбозликка йўл кўймаслик).

7. Натижадорлик (тарғибот тадбирларида юксак натижаларга, юқори самараларга эришиш, ёшлар маънавий хавфсизлиги ва барқарорлигини тўлиқ таъминлаш).

ИИОларида **психологик хизматни ташкил** қилишнинг турли шакл ва воситалари ижтимоий турмушга татбиқ қилинмоқда: мактаб психологик фаолияти оила психотерапияси, ижтимоий психологик вазифалари, психологик экспертиза, ИИВ махсус даволаниш масканларида психологик ёрдам, суд жараёнидаги психологик ҳолатни кузатиш амалга ошириш ва бошқалар. Ана шулар қаторида олий мактабда психологик хизматни жорий этиш ва уни бошқариш алоҳида аҳамият касб этади.

Л.Ф.Эргашева таъкидалашича, **маданий тадбирларни** - энг аввало, инсонлар учун ташкил этиладиган, уларнинг бўш вақтларини тўлдирадиган, ижодий, эстетик қарашларини шакллантирадиган, маданий билимларини бойтадиган жараён деб тушуниш мумкин. Инсонлар ишдан бўш пайтларида маданий эҳтиёжларини қондиришлари мақсадида турли ижодий, кўнгилочар, санъат воситалари иштирок этган жараёнларда қатнашишни хоҳлайдилар. Шаҳар шароитида театрлар, турли концерт дастурлари, боғлар, маданият саройлари ва бошқа дам олиш масканларига бориб, ўзларининг маданий эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиладилар. Қишлоқ шароитларида эса бундай имкониятларни маданият уйлари, клублар, боғларда амалга ошириш мумкин бўлади. Ҳар қандай шароитда ҳам моҳирона ташкил этилган тадбирлар инсонларга озми-кўпми ўзи истаган “неъматлар”га эга бўлиш имконини беради⁵.

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар қуйидаги йўналишларда олиб борилиш **механизми қуйидагича бўлиши зарур**:

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ички ишлар органларининг тарихи, тизимда хизмат қилиб, жанговар-хизмат фаолиятини амалга оширган, хизмат вазифаларини бажаришда қаҳрамонларча ҳалок бўлган, шунингдек, давлат ва идоравий мукофотларга сазовор бўлган ҳамда спорт мусобақаларининг совриндорлари, алоҳида намунали хизмат қилаётган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар тайёрланади;
- вилоят (туман, шаҳар) ҳокимликлари билан ҳамкорликда ҳар бир (туман, шаҳар, тармоқ) ички ишлар органида кўргазмали воситалардан иборат алоҳида ватанпарварлик бурчаклари (хоналари) ташкил этилади;

⁵ Ergasheva L.F. Q. Madaniy tadbirlar tarbiya omili sifatida //Oriental Art and Culture. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 163-167.



- Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда буюк аждодларимиз ва алломалар фаолиятига оид театр спектакллари ва сахна кўринишлари, концерт дастурлари, экскурсиялар ҳамда миллий ғурур, фахр ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлашга, нотиклик санъатини шакллантиришга қаратилган оммавий маданий тадбирлар ташкил этилади;
- Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларини, бой меросимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳамда одоб-ахлоқ, ҳалоллик, поклик, садоқат ва фидойиликни чуқур сингдиришга қаратилган давра суҳбатлари ўтказилади;
- Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси билан ҳамкорликда ислом динининг асл мазмун-моҳиятини етказиш, диний саводхонликни ошириш, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ғояларини тарғиб қилиш ҳамда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ҳушёрлик ва огоҳлик каби туйғуларни мустаҳкамлашга қаратилган учрашувлар ўтказилади;
- Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналари мазмун-моҳиятини тушунтириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш ҳамда ватанпарварлик, мардлик, фахр ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлашга қаратилган ижодий учрашувлар ўтказилади;
- Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, «Оила» илмий-амалий тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликда ходимлар оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратиш, оила шаънини сақлашда ота-она ва фарзандлар масъулияти ҳамда бурчлари, ор-номус, қадр-қиммат, шарм-ҳаё каби ахлоқий меъёрларни етказиб бориш, оилаларнинг ижтимоий аҳволи, эҳтиёжлари ва муаммоларини тизимли ўрганиб боришга қаратилган тадбирлар ташкил этилади;
- Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан ҳамкорликда спорт билан мунтазам шуғулланиш, жисмоний ва маънавий баркамолликка интилиш, жисмонан етук, кучли ва шижоатли, мутахассисларни тарбиялашга йўналтирилган машғулотлар, мусобақалар ва амалий тадбирлар ташкил этиб борилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ички ишлар органларининг барқарор профессионал кадрлар таркибини шакллантириш, ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, кадрлар қўнимсизлигини пасайтириш, ходимларнинг узоқ муддатли хизматини рағбатлантириш, шунингдек шахсий таркибни унинг касбий малакаси, шахсий фазилатлар ва қобилиятларини инобатга олган ҳолда лавозимларга оптимал тақсимлаш ва қўйилган вазифаларни виждонан ва ташаббускорлик билан бажарувчи ходимларни рағбатлантириш, шунингдек масъулиятсиз ходимларга нисбатан хизматдан бўшатишгача бўлган интизомий жазо тайинлаш бўйича чораларни ўз вақтида ва холисона кўриш орқали ички ишлар органларида мустаҳкам хизмат интизомини таъминлашдир.



References:

1. Камолов Б.И. Шахсий таркиб ўртасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. С3. – С. 189-194.
2. Сафаров С. Тингловчи ва курсантлар ўртасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар такомиллашмоқда //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 209-213.
3. Собиров А.Б. Умумтаълим мактабларида тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш имкониятлари //Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 196-200.
4. Арипов А. А. Маънавий-маърифий тарғибот ва ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишда технология ва инновацион чора-тадбирларнинг ўрни ва аҳамияти //Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali. – 2022. – №. 1. – С. 103-110.
5. Ergasheva L.F. Q. Madaniy tadbirlar tarbiya omili sifatida //Oriental Art and Culture. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 163-167.
6. Охунов З., Кушбоқов Ш Т. Т. С. Э. Ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
7. Qushboqov S., Tilabov S. Axborot xavfsizligi hamda muhofazasi ta'minlashda huquqbuzarlik profilaktikasining roli //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 45-47.
8. Qushboqov S., Mamatova D. Yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rni //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.
9. Кушбоқов Ш., Ҳосилжонов М. Оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлигини малакалашдаги муаммолар //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 29-31.
10. Qushboqov S., Zamonov X. Shaxsning hayoti va sogligiga qarshi jinoyatlarning oldini olishning oziga xos xususiyatlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 79-84.
11. Кушбоқов Ш., Самадов М. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими //Solution of social problems in management and economy. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 95-98.
12. Кушбоқов Ш., Самадов М. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 73-76.
13. Qushboqov S. X., Usipbekov N. J. Yurtimizda mahkumlarni ozodlikka tayyorlashda amalga oshirilgan islohotlar va ulardan kutilayotgan natijalar //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 179-182.
14. Qushboqov S., Tilabov S. Kiber jinoyatlardan saqlanishda umumiy profilaktikani o'rni //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 18. – С. 67-69.



15. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
16. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.
17. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.
18. Алтмишев Т., Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. Special Issue. – С. 112-114.
19. Қушбоқов Ш., Турниёзов Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 49-55.
20. Рустамов С., Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 28-31.
21. Қушбоқов Ш., Таджиев Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Инновационные исследования в современном мире: теория и практика. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.